# XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

**XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига республика партия ташкилоти делегатларининг сиртқи партия йиғилиши давом этмоқда. Яқинда Ўзбекистон газеталарида эълон қилинган дастлабки нутқларни партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари маъқуллаб кутиб олди. Бугун қуйидагилар сўз сўрайдилар:**

## • Делегатлар сўз сўрайди

## ИШОНЧНИ ИШ БИЛАН ОҚЛАЙЛИК

**Бухоро область Свердлов районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси Халил Ҳамроев.**

— Кейинги йилларда областимизда раислар деярли тамомила янгиланди. Олий маълумотли, ишга янгича қарайдиган, одатда иқтисодий билимларни яхши эгаллаган асосан ёш мутахассислар колхозларга раҳбар бўлиб келдилар. Бу нарса оддий меҳнаткашлар билан уларга раҳбарлик қилувчиларнинг ўзаро муносабатларидаги ўзгаришларга кўпроқ таъсир қилди. Бугун биз одамларга дадил ишониб ерни, техникани ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш учун талаб этиладиган қолган ҳамма нарсани оила ва ижара пудратига топширмоқдамиз. Масалан, бизнинг колхозда 126 та оилавий пудрат звеноси ташкил қилинди, қирқта чоғроқ коллективлар ижара пудрати олди. Эндиликда уларнинг ишларига ғоят зарур ҳоллардагина аралашмоқдамиз. Бу ишонч одамларни руҳлантириб, тобора яхшироқ ишлашларига ёрдам бермоқда.

Аммо бундай қувонарли ўзгаришлар хўжаликларнинг раҳбарлари билан район раҳбарлари ўртасидаги ўзаро муносабатларга тўла йўсинда таалluқли бўлди дейиш қийин. «Юқоридан» бериладиган командалар анча камайиб қолди, албатта. Лекин ҳозирча тазйиқ кўрсатиладиган иш методларидан тўла-тўкис қутилиб бўлмаяпти. Менимча, бунинг сабаби бошқариш органлари штатларининг кўплигидадир. Шу кунларда ўтказилаётган аппаратларни қисқартиришдан ҳозирча наф оз бўляпти — у кўпроқ бир раҳбарлик лавозимидан иккинчи раҳбарлик лавозимига ўтказиладиган ўйинга ўхшаб кетяпти, ҳеч кимнинг «амал»дан жудо бўлгиси келмайди.

**Партия органлари, барча даражалардаги Советлар бу ерда энг қатъий ўрнак кўрсатишлари керак, деб ўйлайман.** Ҳозирча мен, масалан, бирон бўлим бошлиғи ўз хоҳишича бизнинг колхозимизга ишлашга келганлигини эшитганимча йўқ.

Ҳамма вақт партиямизда «коммунистлар олға!» деган ажойиб даъват янграб келган. Қайта қуриш айни қизиган ҳозирги пайтда ҳаммамиз шуни эсласак, ортиқча бўлмасди, деб ўйлайман.

* * *

**Сурхондарё область Гагарин районидаги «Искра» шоликорлик совхозининг директори Парда Худоёров.**

— Гапни КПСС Марказий Комитетининг Тезисларидан парча келтириш билан бошлайман. «Бир қанча министрликлар ва идоралар, хўжалик органларининг бюрократик позицияси иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш соҳасидаги чора-тадбирларни кўп жиҳатдан бўғиб қўяётганлиги кўриниб турибди». Бу гап аниқ бизнинг ҳақимизда айтилган. Йил бошидан бери Сурхондарёнинг агросаноат комплекси хўжалик ҳисобига ўтди. Бинобарин эндиликда биз планларни ўзимиз белгилаш, ишлаб топилган маблағларни сарфлаш ҳуқуқига эгамиз. Таассуфки, назарий жиҳатдан олгандагина шундай ҳуқуқларга эгамиз. Аслида планларимиз ҳамон юқоридан белгиланяпти, нимани, қандай қилиб, қачон экиш тўғрисидаги буйруқлар ўша ёқдан берилмоқда. Чунончи, маҳаллий шароитлар, имкониятлар кўпинча ҳеч кимни қизиқтирмайди Шундай экан хўжалик юритишнинг қандай эркинлиги тўғрисида гап бўлиши мумкин?

Маблағларни сарфлаш соҳасида ҳам аҳвол шундай. Республика Давлат агросаноат комитети, область агросаноат комитети совхоз пулларини қатъий чегаралаб қўйган. Биз машина-ускуналар, ўғит харид этишга қанча сарфлашимиз кераклигини ҳамон ўша ерда биздан яхшироқ билишади. **Буларнинг ҳаммаси нотўғри, бундай масалаларни хўжайиннинг ўзи, яъни совхоз коллективи ҳал қилиши лозим.** Ҳозирча социал ва иқтисодий соҳаларда сезиларли ўзгаришлар рўй бергани йўқ, бу эса одамларнинг қайта қуришга бўлган ишончига путур етказади. Партия конференциясида ана шу вазиятни синчиклаб таҳлил этиб, тегишли қарорлар қабул қилиш керак, деб ўйлайман.

* * *

**Фарғона пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Эргашой Охунова.**

— Бугун сўз билан ишнинг бирлиги муаммоси шахсан мен учун ғоят муҳим бўлиб туюлади. Йиғилишларда шунчаки гапирмай, адолатли сўзларни рўйи-рост бараллa айтиб, тантанали ваъдалар берадиган кўп коммунистларни биламан. Лекин иш шу ваъдаларни бажаришга келганда, уларнинг шижоатидан асар ҳам қолмайди.

Бундан ҳам ёмони, бутун-бутун коллективлар зиммаларига олган мажбуриятларини бузади. Мана биз икки мингинчи йилгача ҳар бир оилани алоҳида квартира билан таъминлаш мақсадини ўз олдимизга қўйдик. Лекин ҳамма ерда коммунистлар шунга эришиш учун зарур даражада эҳтирос билан ишлаяптиларми? Масалан, бизнинг Фарғонадаги уйсозлик комбинати йил бошидан бери давлат қабули жорий этилганлиги сабабли бирон квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топширгани йўқ. Навбатда турган минглаб кишилар эса уй олишни кутмоқда. Бу эса коммунистларни, шаҳар партия комитетини, афтидан, унча ҳаяжонга солмаяпти. **Менимча, топширилган иш участкаси учун ҳар бир КПСС аъзосига қўйиладиган талабчанликни кескин ошириш вақти аллақачон етган.** Аҳволни «тушуниб» бир-биримизни аяшимиз етар. Биз коммунистлармиз, шу боисдан ҳам айтган сўзимиз ва ишимиз учун энг олий даражадаги масъулият билан жавоб беришимиз керак.

Бошланғич партия ташкилотлари шаҳар, район партия комитетлари ходимларининг ёрдамини кўпроқ сезиб туришлари лозим. Ҳозирча улар ҳузуримизга келишган бўлса, фақат текширишлар, ёки бирон «масалани» тайёрлаш учунгина келишган. Мана шу «масалаларни» жойига бориб ҳал қилиш керак бўлганида шаҳар комитетидагилардан ёрдам ололмайсиз. Қарор қабул қилиб, уни ташкилотга «юбориш» қийин иш эмас. Лекин шу қарорни амалга оширишга эришиш анча қийин ишдир. Шунинг учун ҳам кўпгина партия ходимлари салқин кабинетларини тарк этишга унча ошиқмайдилар. Уларни шу ишларни бажаришга мажбур қиладиган пайт етгандир?

(ЎзТАГ).

## ЭСКИЧА ИШЛАБ БЎЛМАЙДИ

Қум барханлари ва саксовулзор ўрнида вужудга келган Муборак шаҳрида 50 миллатдан зиёд аҳоли яшамоқда. Мен ҳам қурувчи сифатида бу ерда кўплаб уй-жойлар, Иттифоқда энг йирик газни қайта ишлаш заводи қурилишида иштирок этганлигим билан фахрланаман.

Меҳнатим эвазига коммунистлар область ва шаҳар партия комитетлари аъзолигига сайлашган. СССР Давлат мукофоти лауреати бўлдим. Бу — катта шараф ва ҳурмат. Аммо коммунистлар ишончини оқлаш керак. Мен шуни қалбдан ҳис этиб, сафдош коммунистлар фикрини область ва шаҳар партия комитетлари пленумларида сўзга чиқиб айтяпман. Обком пленумларидан бирида музокарада сўз олиб, партия ва хўжалик органлари ишида эскича усул давом этаётганлигини қаттиқ танқид қилдим. Жумладан, консерва заводи қурилиши чўзилаётганлиги, айни пайтда ҳар йили совхозларда ёзда етиштирилаётган мевалар, сабзавот маҳсулотлари ўз вақтида қайта ишланмай, нест-нобуд бўлаётганлиги, аммо бунга область агросаноат комитети бефарқ қараётганлигини куйиниб гапиргандим. Лекин ҳозирча ижобий ўзгариш йўқ.

Баъзи йиғилишларда, пленум ёки бюроларда маълум масалалар келишиб олинади. Шунда одамлар нимага қўл кўтариб, маъқуллаётганликларини чуқур англаб етмайдилар. Шунинг учун ҳам пала-партиш қарорлар қабул қилинади. Тўғри, Тезисларнинг 5-бандида сайлаб қўйиладиган партия органлари иши ҳақида қимматли фикрлар бор. Аммо бу етарли эмас. Партия ташкилотларида коммунистларни тўлқинлантираётган анчагина муаммолар бор. **Партия органлари коммунистларнинг фикрига таянган ҳолда пишиқ-пухта қарор қабул қилмоқлари, уни ўз муддатида бажарилишини таъминламоқлари зарур.** Мен буни партиявий интизом, қайта қуриш ва янгиланиш талаби деб ҳисоблайман.

**Н. АЗАРЯН,**
**«Мубаракгазпромстрой» трести 1-қурилиш-монтаж бошқармаси комплекс бригадаси бошлиғи.**

## • Мунозара минбари

## КИМДАН ҚЎРИҚЛАЙМИЗ?

Тезисларнинг биринчи бандида «қолоқлик, бюрократик онг сарқитлари, айниқса, яшовчан эканлиги маълум бўлиб қолди... Мана шу салбий ҳодисаларни бартараф этмай туриб, муваффақиятли равишда илгари силжиб бўлмайди» деб жуда тўғри айтилган.

Ана шундай бюрократик онг сарқитларининг яшовчанлигини Сурхондарё области мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунончи область партия комитети ва область ижроия комитети биноларига кириш жойида милиция ходимлари соқчилик қилишади. Улар бу идораларга келган ҳар бир кишидан ҳужжат талаб қилишади: баъзан эса қўполлик билан кўнгилларини ранжитишади. Хўш, бундай бюрократик муносабатнинг кимга кераги бор. Биз партия ва совет ташкилотлари раҳбарларини кимдан қўриқлаймиз, халқданми? Ахир, КПСС Программасида «партия халқ учун яшайди, халққа хизмат қилишни ўз фаолиятининг мазмуни, деб билади», дея ёзиб қўйилган-ку.

Менимча бу идоралар эшигида пенсиядаги партия ва меҳнат ветеранлари навбатчилик қилишса яхши эмасми. Улар барчани хушмуомалалик билан кутиб олиб, тегишли бўлимларга йўллаган бўлар эдилар.

Область партия комитети биринчи секретарининг меҳнаткашларни қабул қилиш кунларини ҳам қайта кўриб чиқиш зарур. Қабулхона ходимлари ариза ва шикоят билан келган кишиларга қўпол муомалада бўлишади, уларни иложи борича секретарь қабулига киргазмасликка интилишади.

Мана шу нуқсонларни тузатиш мақсадида мен Тезисларнинг биринчи банди, тўртинчи абзаци охирига **«Партия ва совет ташкилотларига ариза ва шикоят билан келган гражданларни қабул қилишдаги қўпол бюрократик методлар қоралансин, область партия комитети ва ижроия комитети идораларини милиция соқчилари ёрдамида қўриқлаш бекор қилиниб, улар ўрнига пенсионер партия ходимлари, кекса коммунистлар ва меҳнат ветеранлари навбатчилик қилишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ деб топилсин»**, деб ёзиб қўйишни таклиф қиламан.

**Х. БОҚИЕВ,**
**1929 йилдан КПСС аъзоси, меҳнат ветерани, Термиз шаҳри.**

## Ислоҳ зарур

Коммунистларнинг олий анжумани — XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида социалистик ҳуқуқ масалалари ҳам муҳокамага қўйилиши бежиз эмас. Демократиялаш, ошкоралилик жараёнлари бу жабҳада ҳам жиддий ўзгаришлар қилиш кераклигини кўрсатиб берди. Тўғри, давр одимлагани сайин қонунларимиз ҳам тўлдирилиб, таҳрир қилиниб борилди. Аммо уларнинг туб моҳияти 30-йилларда белгиланганича турибди.

Шу сабабдан мен КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида бу масалани атрофлича қараб чиқиш зарур, деган фикрга тўла қўшиламан. Чунки социалистик қонунчилигимиз ислоҳга муҳтож бўлиб турибди. **Демократия, ошкоралик, социал адолат талаблари асосида мавжуд қонунлар ислоҳ қилингандагина қайта қуришнинг истиқболи мунаввар бўлиши таъминланади.**

Ҳуқуқ-тартибот органлари фаолияти дахлсиз бўлиши, улар фақат қонунга бўйсунишлари кераклиги ҳам кун тартибига қўйилмоқда. Лекин баъзи жойларда партия ташкилотлари бунга асосланиб ҳуқуқ-тартибот органлари ишини назоратдан четда қолдирмоқдалар. Бу эса айрим кишиларнинг дахлсизликдан шахсий манфаат йўлларида фойдаланишларига сабаб бўлаётир. Партия ташкилотларининг бундай аралашмаслик позицияларини чеклаш учун Тезисларда: **«Ҳуқуқ-тартибот органлари партия ташкилотлари олдида ҳисоб бериб турадилар, партия комитетлари ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини қаттиқ назорат қилиб борадилар»**, деган сатрлар бўлишини истардим. Чунки бирор соҳа ҳам назоратсиз қолмаслиги қайта қуришнинг муҳим шартидир. Айни пайтда социализмнинг энг катта ютуқларидан бири ҳам назорат эканлигини унутмаслигимиз керак.

**И. ТУРДИМУРОТОВ,**
**Пайариқ район прокурори, биринчи класс юристи.**

## Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг 13 июнь куни бўлиб ўтган мажлисида Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг халқ хўжалиги комплексини бошқаришнинг иқтисодий методларини жорий этиш, социал муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш ва автоном республика аҳолиси фаровонлигини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан ўтказаётган ташкилотчилик ишлари хусусидаги ҳисоботи тингланди.

Ҳисоботни (ўртоқ А. С. Малолетов қилган ҳисоботни) муҳокама қилиш чоғида қайта қуриш натижасида вужудга келган ташкилий-иқтисодий шарт-шароитлар потенциалидан бу ерда ҳали тўла фойдаланилмаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, унинг Президиуми аъзолари министрликлар ва идоралар раҳбарлари ҳамда коллегияларининг фаолиятини, улар Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунини амалда қандай рўёбга чиқараётганликларини, меҳнат ва моддий-техника ресурсларидан, фан-техника тараққиёти ютуқларидан самарали фойдаланиш асосида ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш йўли амалга оширилишини таҳлил қилишга етарли эътибор бермаётирлар.

Қорақалпоғистон АССР Давлат план комитети ва Молия министрлиги, бошқа иқтисодий идоралари мавжуд камчиликларни бартараф этишда, беш йилликнинг жорий ва истиқболдаги вазифаларини амалга оширишда, план интизомини мустаҳкамлаш ва қолоқ корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилашда ўзларининг мувофиқлаштирувчи ролини ҳозирча таъминлай олмаётирлар. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор формалари секин жорий этилмоқда. Саноатда ишчиларнинг атиги 4,6 проценти хўжалик ҳисобига, бригадаларда меҳнат қилаётган ишчилар умумий сонининг тўртдан бир қисмигина пудрат усулига ўтказилган. Бу тармоқда ўтган икки йил ичида корхоналарнинг тўртдан бир қисмидан кўпроғи ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартириб юборди, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш камайди, фонд самарадорлиги 10,5 процент пасайди. Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш планлари бажарилмади. Қорақалпоғистон АССРнинг кўпгина министрликлари ва идоралари фойда олиш планини бажармадилар. Тўланмаган қарзлар миқдори кўплигича қолмоқда, жумладан, бу қарзларнинг ярмидан кўпроғи банклардан олинган ссудалардир. Бюджетнинг даромад қисмини 1987 йилда 15 та райондан атиги иккитаси бажарди.

Автоном республика ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш суръатининг пастлигига маълум даражада Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, «Главсредазирсовхозстрой», Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳамда республикадаги бошқа бир қатор министрликларнинг Қорақалпоғистон АССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш юзасидан директив органлар қарорлари билан тасдиқланган топшириқларни сўзсиз бажариш ишида қатъият кўрсатмаётганликлари ҳам сабаб бўлаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Бунинг натижасида социал программаларни ўз вақтида ҳал қилиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган комплекс программаларнинг кўпи қониқарсиз бажарилмоқда.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Президиумига КПСС Марказий Комитети 1987 йил июнь Пленуми қарорларига мувофиқ камчиликлар ва йўл қўйилган қолоқлик сабабларини чуқур ва принципиал ўрганиб чиқиш, ўз фаолиятининг форма ва методларини тубдан қайта қуриш, бошқарувнинг иқтисодий методларини жорий этиш, автоном республикада бутун халқ хўжалик комплексини янада барқарор ривожлантириш учун марказий, шунингдек, маҳаллий Совет ва хўжалик органларининг роли ва масъулиятини ошириш таклиф қилинди. Шу билан бир вақтда Ўзбекистон ССР министрликлари ва идораларига бир қанча конкрет топшириқлар берилди.

Ижрони контрол қилиш тарзида Сурхондарё область ижроия комитетининг ёрдамчи қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан партия ва ҳукумат қарорларини амалга ошириш борасидаги иши кўриб чиқилди. Муҳокама чоғида область ижроия комитети меҳнаткашларнинг асосий озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжларини тўла қондиришнинг муҳим базасини кенгайтириш учун тегишли чоралар кўрмаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Ёрдамчи қишлоқ хўжалик 1500 корхона ва ташкилотдан атиги 166 тасида ташкил этилган, уларнинг учдан бирига ер ажратиб берилмаган, кўпи норентабел ишламоқда, 1987 йилда келтирилган жами зарар салкам 145 минг сўмни ташкил этди. Сўнгги икки йил ичида ёрдамчи хўжаликлар сони 14 та камайди, дон ва озуқабоп экинлар 1,3 баравар, қора моллар 19 процент ва қўй-эчкилар 11 процент камайди. Ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сутнинг ўртача миқдори область колхоз ва совхозларидагидан беш баравар кам, ҳар бир ишловчи ҳисобига бор-йўғи 2,3 килограмм гўшт етиштирилган.

Ишларнинг аҳволи ана шундай бўлишига қарамай, ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш масалалари район, қишлоқ ва поселка Советлари ижроия комитетларида камдан-кам муҳокама қилинмоқда, қабул қилинган қарорлар конкрет ташкилотчилик ишлари ва ижрони таъсирчан контрол қилиш билан мустаҳкамланмаган. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва теплицалар қуриш юзасидан белгиланган топшириқлар территориядаги корхоналар ва ташкилотларга етказилмаган. Областдаги Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министрлиги, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги, Ўзбекистон ССР Ўрмон хўжалиги министрлигига қарашли корхоналарда ёрдамчи хўжаликлар барпо этишда қатъият ва ташаббускорлик кўрсатилмаяпти.

Сурхондарё область ижроия комитетининг ёрдамчи қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни таъминлаш соҳасидаги иши қониқарсиз, деб топилди, шу муносабат билан область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ҳ. Э. Бердиев қаттиқ огоҳлантирилди. Халқ депутатлари область, шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетларига ёрдамчи қишлоқ хўжалигини тугатиш ва мавжуд ёрдамчи хўжаликлар самарадорлиги пастлиги сабабларини батафсил ўрганиш, мавжуд камчиликларни тугатиш юзасидан амалий чоралар кўриш, уларнинг рентабеллигини оширишда, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳамда бундай маҳсулотлар билан ишчилар ва хизматчиларни таъминлашни яхшилашда ёрдам бериш топширилди.

Президиум мажлисида илгари қабул қилинган «Сиҳат-саломатлик» программасига қўшимча топшириқлар, шунингдек, республиканинг иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг баъзи бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилди ва бу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## • Партия ветерани архивидан

## ТАҚДИР ИЛДИЗЛАРИ

**Суҳбатдошимиз Азиз Тўхтабоев 1911 йилда ҳозирги Ўш областининг Пулгон овулида туғилган. 1931 йилдан бери КПСС аъзоси. Ўлкамизда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун курашганлардан бири. Узоқ йиллар партия, совет органларида масъул лавозимларда, чунончи Андижон, сўнгра Тошкент область партия комитетларининг секретари, биринчи секретари бўлиб ишлаган. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Иқтисодчи олим.**

**Азиз ака ҳамон жўшқин ҳаёт қўйнида. Тошкент шаҳар уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши президиумининг аъзоси.**



Партия ветерани билан суҳбатимиз унинг ёшлик даври, ижтимоий фаолияти куртак очган йилларга бориб тақалди. Ветераннинг шахсий архивида вақт ўз ҳукмини ўтказиб сарғайтирган ҳужжат ва фотосуратлар анчагина. Улар орасида республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев ва яна икки киши биргаликда тушган сурат эътиборимизни тортди.

— Суратдаги кишиларнинг ҳар бири бизнинг авлод учун ҳаёт ва курашда устоз, принципиал ўртоқ, меҳрибон дўст эди, —дейди А. Тўхтабоев. —Мабодо шу сурат асосида бадиий полотно яратилса, унга «Асил интернационалчилар» деган ном муносиб бўларди. Қирғизистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг Раиси Абдуқодир Ўрозбеков билан унинг ёшликдаги маслакдош биродари, босмачиларга қарши биргаликда жанг қилган қуролдош дўсти Йўлдош Охунбобоев бир-бирларини ниҳоятда ҳурмат қилар эдилар. Маҳаллий революционерлардан бири Михаил Иванович Усни ҳар икки оқсоқол ўз жигарларидай суярдилар. 1919 йилдан партия аъзоси М. И. Ус аксилинқилобчиларга қарши курашда алоҳида хизмат кўрсатди.

Совет ҳокимияти душманларига қарши тузилган Фарғона фронтида эришилган жанговар ғалабаларда, атоқли саркарда Михаил Васильевич Фрунзе режаларини амалга оширишда мана шу кишиларнинг алоҳида хизмати бор. Водий марказидан кўнгиллиларга бош бўлиб Йўлдош Охунбобоев чиқса, Чимён кони районидан Абдуқодир Ўрозбеков отряди оёққа турарди. Фарғона қизил аскарлари махсус бўлинмаларига М. Ус бошлиқ эди. У ўзбекча ва қирғизчани яхши билганидан ҳар икки отряд жангчиларини душманга қарши ҳал қилувчи курашга руҳлантириб юборарди. Кейинчалик Михаил Иванович Ўш области органларида муваффақиятли ишлади.

—Сурат қачон, қай вазиятда олинган?

— Бунинг тарихи узоқ. Боя айтганимдек, икки халқнинг оқсоқоллари ғоядош ўртоқ бўлишдан ташқари чин инсоний туйғулар билан ҳам бир-бирларини ардоқлашар эди. Маълумки, Й. Охунбобоев Олмаота сафаридан қайтишда Фрунзе шаҳрида тўхтаб Ўрозбоевга меҳмон бўлган. Сўнгра ҳар икки оқсоқол Ўш шаҳригача бирга келишади. Абдуқодир ота таклифи билан Й. Охунбобоев Ўш атроф районлари пахтакорларининг кенгашида иштирок этиб, уларга пахтадан мўл ҳосил олиш йўллари ҳақида нутқ сўзлайди. Довюрак чекист М. Ус бу пайтда Аравон-Бура район ижрокоми раиси эди. Шундай учрашувлардан бирида, босмачи қолдиқларини тугатгандан сўнг учала жанговар дўст эсдалик учун суратга тушишган.

— Абдуқодир Ўрозбеков ҳақида икки оғиз...

— Фарғона ғарби-жанубида ўзбек, тожик ва бошқа халқлар билан бирга битта тоғ ҳавосидан нафас олиб, битта сойдан сув ичган қирғизлар овулида туғилиб ўсганман. Халқимизнинг чин фарзанди, инқилобчи А. Ўрозбеков билан бевосита бирга ишлаш шарафига муяссар бўлганман. 1935 йилнинг май ойидан то Москвага ўқишга кетгунимча Қирғизистон ССР Марказий Ижроия Комитети Раиси А. Ўрозбековга ёрдамчи эдим. Инқилобий юришларда тобланган толмас курашчи, халқ ҳурматини қозонган Абдуқодир ота ўзининг ўзбек оғаси Йўлдош Охунбобоев билан ҳар учрашганда маслаҳат олишдан тортинмасди. Йиғинларда ҳам унга ака деб мурожаат қиларди. Менинг партия ходими бўлиб етишишимда ҳам ҳар икки Отанинг ҳиссаси бор. Айниқса, Ўзбекистонга келиб ишлаган йилларимда Йўлдош отанинг даъвати ва ўгитларидан, беминнат ёрдамидан кўп баҳраманд бўлганман.

Йўлдош Охунбобоевнинг водийга қилган охирги сафари пайтида мен Андижонда ишлар эдим. Уруш касри ҳар қадамда сезилиб турарди. Яқинда бетобликдан оёққа турган Ота учун обком ошхонасида таом пиширишга яроқли масаллиқ йўқлигини билиб қолдим. Сўнгра уни ва ҳамроҳларини тоғ ҳавосидан баҳра олдириш учун районга олиб чиқдим. Адирлар орасидаги пахта майдонлари ва ғаллазорларида ғалабани яқинлаштириш учун тер тўкиб ишлаётган қариялар, қадоқ қўлли аёллару барвақт жиддий тортган болалар Ота келишини эшитгач, бир ғайратларига ўн ғайрат қўшардилар. Отага дала бошида кумғонда чой қайнатиб узатишарди. Унинг фронтдаги зафарлар ҳақидаги суҳбатини ёшу қари жон қулоғи билан тинглардн...

Кейин Янгийўлда ишлаган давримда Йўлдош ота ўгитлари, раҳбарлик фазилатларидан тортиб то пахтачилик илму тажрибасигача— йўл-йўриқлари иш юритишимда менга қўл келди. Қисқа муддатда пахта ҳосилдорлигини кескин кўтарганлигимиз учун менинг ҳам камтарин меҳнатим муносиб тақдирланди. Партия ходимлари орасида биринчилар қаторида менга ҳам Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Онгли ҳаётимда эришган муваффақиятларим учун, аввало Ленин партиясига қуллуқ қиламан. Айни пайтда синфий курашлар давом этиб турган долғали йилларда мендек бир етим бошини силаб тўғри йўл кўрсатган большевиклар Й. Охунбобоев, А. Ўрозбеков, М. И. Ус ўртоқлардан бир умр миннатдорман. Ёшлар билан учрашувларда ана шулар ҳақида завқланиб сўзлайман...

Азиз ака бир зум ўйга толади. Олис йиллар хаёли фикрини банд этди чоғи. Шиддатли давр меҳнати, қувонч ва ташвишларининг гувоҳи, актив ҳаёт тўлқинларидан дадил сузиб ўтган, эътиқодидан сира чекинмаган коммунистнинг иродаси мустаҳкам, ғайрати чандон. Даст ўрнидан туриб портфелини қўлига олади. Республикада хизмат кўрсатган фан арбобини талабалар, инқилобий қайта қуришнинг иштирокчилари, комсомоллар кутишяпти.

**А. АБДУБАННОПОВ.**



**Суратда: чапдан ўнгга — А. Ўрозбеков, М. И. Ус ва И. ОХУНБОБОЕВ.**

## РЕСПУБЛИКА МЕҲМОНЛАРИ

14 июнь куни Австралия Демократик партиясининг делегацияси Тошкентга келди. Делегацияга АДП раҳбарининг ўринбосари сенатор Майкл Мэклин бошчилик қилмоқда.

Меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар, В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитенини кўздан кечирдилар, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнаткашлари билан учрашдилар.

Шу куни делегацияни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов қабул қилди.

Австралиялик меҳмонлар Самарқандда ҳам бўладилар.

(ЎзТАГ).

## ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Никарагуа социал таъминот ва фаровонлик институтининг директори Рейнальдо Антонио Тафель Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. Меҳмон В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалини, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасини бориб кўрди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасида суҳбат бўлди.

14 июнь куни Р. А. Тафель Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг активлари билан учрашув бўлди.

Сафар программасига кўра меҳмон Самарқандга ҳам боради.

(ЎзТАГ).

# СОЦИАЛИСТИК ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТГА ОҒИШМАЙ АМАЛ ҚИЛАЙЛИК!

**Республикамизда қайта қуриш жараёнини амалга оширишда ички ишлар органларининг ҳам ҳиссаси катта. Экономика ва халқ хўжалигини тубдан қайта қуриш йўли ички ишлар органлари олдига халқ мулкини сақлашни таъминлаш, ўғриликлар, порахўрлик, чайқовчилик ва бошқа турдаги меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кўчайтириш борасидаги фаолиятини ўз вақтида қайта қуришни талаб этди. Ички ишлар органлари, республика БХСС бўлинмалари бу талабларни амалга ошириш учун бутун куч ва имкониятларини сафарбар этмоқдалар. Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги БХСС бошқармаси ходимлари билан «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси журналистларининг давра суҳбати ички ишлар органларининг жамоатчилик билан алоқаларини мустаҳкамлаш, милиция фаолиятида ошкораликни кенгайтириш, жиноятларга қарши курашда профилактика ишларини кучайтиришга бағишланди. Унда милиция генерал-майори Ғ. Р. Раҳимов, полковник Г. Л. Овчаренко, подполковник Ш. К. Каримов, майор А. И. Агеев, В. А. Соколов, милиция капитани К. Ю. Толипов, подполковник Н. А. Черепахин, милиция капитани Г. В. Перовский ўртоқлар қатнашдилар.**

● Милиция фаолиятида ошкораликни кенгайтириб...

● Жиноятларга қарши курашда ҳужумкорлик ошмоқда

● Социалистик экономикани жиноий тажовузлардан сақлаш — муҳим вазифа



Ғ. Р. РАҲИМОВ



Ш. К. КАРИМОВ



А. И. АГЕЕВ



В. А. СОКОЛОВ



К. Ю. ТОЛИПОВ



Н. А. ЧЕРЕПАХИН



Г. В. ПЕРОВСКИЙ

**МУХБИР: — Ғафур Раҳимович, жиноятларга қарши кураш, ҳуқуқ-тартибот бузилишининг олдини олиш, турмушимиздаги салбий ҳолатларни тугатишда жамоатчиликнинг роли, партия қарорларини амалга ошириш соҳасида ички ишлар органларининг вазифалари ҳақида сўзлаб берсангиз.**

**РАҲИМОВ Ғафур Раҳимович — Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрининг ўринбосари, милиция генерал-майори:**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумидан сўнг ўтган давр мобайнида республикамиз ҳаётида маълум ўзгаришлар рўй берди. Туб иқтисодий ислоҳот, демократия, ошкораликнинг кенгайиши, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги қайта қуриш — объектив равишда жамиятимизни маънавий жиҳатдан соғломлаштирмоқда. Бунда ички ишлар органларининг ҳам ҳиссаси бор. Ишимизни такомиллаштириш, тубдан қайта қуриш, эскича иш услубларидан воз кечиш анча мураккаб бўлишига қарамасдан биз бугун милиция фаолиятида ижобий ўзгаришлар бўлаётганини таъкидлашимиз лозим.

Айниқса, жамият учун хавфли бўлган, ниқобланган ғаразли жиноятларга қарши курашни ташкил этишга эътибор берилмоқда. Кейинги йилларда қатор талон-торожчилар, порахўрлар, чайқовчилар, валютачилар ва бошқа нопок гражданларнинг жиноий группалари фош этилди. Жиноий йўл билан тўпланган кўплаб бойликлар, қимматбаҳо буюмлар, пуллар улардан олинди.

Шуни айтиш кераккк, кейинги беш йил мобайнида давлат мулкини талон-торож қилинишига, чайқовчилик, порахўрлик каби бошқа хил ғаразли жиноятларга қарши курашдаги ҳужумкорлик маълум даражада ошди. Агросаноат комплекси, енгил, маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат, савдо ва матлубот кооперацияси ва бошқа соҳалар объектларидаги суиистеъмоллар янада оперативроқ фош этиладиган бўлиб қолди. Ўзимизнинг асосий кучимизни ана шу объектларга қаратмоқдамиз. Шу мақсадларда жиноятларга қарши курашнинг илғор методларидан фойдаланилмоқда. Бу ишлаб чиқариш структуралари ва хўжалик системаларини комплекс қайта ишлаш методи бўлиб бу метод жиноятларни очишнигина эмас, балки уларни тайёрлаш ва содир этиш механизмини ҳам фош этишга ёрдам беради.

Шу билан бирга эришилган муваффақиятларни КПСС XXVII съезди белгилаган вазифалар билан солиштирар эканмиз, шу нарса маълум бўладики, ички ишлар органлари ишида, БХСС хизматида ҳамон фойдаланилмаётган резервлар бор. Булардан бири жамоатчилик фикрини ўрганиш, меҳнат коллективлари кўнгилли халқ дружиналари билан алоқани янада мустаҳкамлашдир. Бу соҳадаги ишларимиз ҳали етарли эмас.

Жиноятларга қарши курашнинг таъсирчан йўлларидан бири профилактика ишларини кучайтиришдир. Ҳозирги кунда, биринчи навбатда ўз кучимизни жиноий мақсадларда ташкил этилаётган группаларни тарқатиш, халқ хўжалигининг у ёки бу соҳасида жиноятларни келтириб чиқарадиган ҳар қандай шароитларни оператив равишда олдини олишга сафарбар этмоқдамиз. Ишлаб чиқилаётган қатор таклифларнинг амалга ошириш турли хил ҳуқуқ-тартибот бузилишининг тарқалиши ва юз беришига чек қўйиш имконини беради.

Жумладан, социалистик мулк талон-торож қилинишига қарши кураш соҳасида БХСС хизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича комплекс программа ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Бунда барча манфаатдор министрликлар ва идоралар билан ҳамкорликда ҳаракат қилиш кенг программасини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Биз яхши иш бермайдиган, маънавий нопок ходимлардан халос бўлдик. Уларнинг ўрнига партия органлари ва меҳнат коллективларидан келган кўплаб коммунистлар, комсомоллар ва партиясизлар келиб қўшилди. Улар ҳозир умумдавлат аҳамиятига эга бўлган вазифани амалга оширишяпти. Жиноятларга қарши кураш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишида фаол қатнашмоқдалар.

Республика ички ишлар органлари социалистик экономикани жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш соҳасида тегишли тартиб ўрнатиш учун бутун куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар.

**МУХБИР: Халқ хўжалиги системасини тубдан қайта қуриш, Давлат корхонаси тўғрисидаги Қонуннинг кучга кириши муносабати билан БХСС хизмати соҳасида қандай ўзгаришлар рўй берди?.**

**ОВЧАРЕНКО Геннадий Леонтьевич — Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги БХСС бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги:**

Хўжалик органларининг, назорат идораларининг ҳар бир меҳнат коллективининг ишлашига асос бўлган ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва хўжалик ҳисоби каби иқтисодий категориялар уларда хўжасизлик, талон-торожларни тубдан йўқ қилиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иқтисод ва тежамкорликка амал қилиш ҳисларини уйғотади. Бу соҳадаги ижобий натижалар тобора ошмоқда. Шу билан бирга социалистик экономика соҳасида жиноий-ҳуқуқий чоралар зарурати ҳамон сақланиб қолмоқда. Айниқса меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш бўйича энг таъсирли чораларни амалга ошириш талаб этилади.

Олдимизда турган вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан ички ишлар органлари, биринчи галда БХСС аппарати фаолиятини зудлик билан қайта қуришга боғлиқ. Ҳозирги кунда бу хизмат бўлинмалари ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан мустаҳкамланди. Ортиқча бошқарув бўғинларини қисқартириш ҳисобига оператив состав ва аввало жойлардаги шаҳар, район ички ишлар органлари кучайтирилди. Кейинги йилларда социалистик мулк ўғирланишига қарши кураш хизмати бугунги талаблар даражасида ишлай олмайдиган ходимлардан тозаланди. Унинг составига халқ хўжалигини биладиган, ишлаб чиқариш технологиясидан хабардор бўлган коммунистлар ва комсомоллар келиб қўшилди. Ҳозирги кунда ходимларнинг касб-маҳоратини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Туб иқтисодий ислоҳотга мувофиқ иш структурасида ҳам айрим ўзгаришлар юз берди. Ишларни баҳолаш мезони ҳам ўзгарди. Асосий эътибор профилактика ишларига, ғаразли мақсадлардаги жиноятларнинг келиб чиқишига имкон берадиган сабабларни йўқотишга қаратилмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, бу ишда жамоатчилик билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва алоқани кенгайтириш даркор.

Профилактика ишлари бугунги кунда кундалик ишимизнинг асосий йўналиши бўлиб қолди десак, муболаға бўлмайди.

Шунингдек меҳнатсиз даромадларга, ичкиликбозликка, самагон тайёрлашга, наркоманияга, кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти соҳасидаги ҳуқуқ-тартибот бузилишига қарши курашни давом эттирмоқдамиз.

**МУХБИР: Маълумки кейинги пайтларда партия ва ҳукуматимиз қишлоқ хўжалик соҳасини тараққий эттиришга катта эътибор бермоқда. Газетхонларни агросаноат комплексида социалистик мулкни талон-торож қилинишининг олдини олиш соҳасида қандай ишлар олиб борилаётгани ва бу соҳадаги ишлар қай аҳволдалиги қизиқтирмоқда.**

**КАРИМОВ Шавкат Каримович — Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги БХСС бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги:**

КПСС XXVII съезди материалларида мамлакат сиёсий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришдаги асосий вазифалардан бири — аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга алоҳида эътибор берилган. Бу масаланинг ҳал этилиши агросаноат комплекси моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, илмий-техника тараққиётининг муҳим йўналишларида ресурсларни максимал марказлаштириш, дала ва фермаларда маҳсулотларни жўнатиш, сақлаш ва қайта ишлаш пайтида нест-нобуд бўлишини маълум даражада камайтиришга боғлиқ.

Бу галги беш йилликда маълумки, мамлакат капитал маблағларининг катта қисми агросаноат комплексига йўналтирилган. Республика агросаноат комплекси ишлаб чиқариш потенциали маълум даражада ўсди. Вазифа шундан иборатки, барча маблағлар иш учун сарфланиши, улар талон-торож қилувчилар, порахўрлар ва чайқовчилар қўлига тушмаслиги керак. Бунга бахтга қарши ҳали эришганимиз йўқ. Агросаноат комплекси бугунги кунда халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қаторида рўй бераётган жиноятларнинг сони ва етказилаётган зарар сони бўйича энг кўп зарарланган соҳадир. Ўз-ўзидан маълумки, хўжалик юритишнинг янги шароитида қишлоқ хўжалигидаги ғаразли жиноятларга қарши эскича методлар билан кураш олиб бориш қийин. Шунинг учун республика Ички ишлар министрлиги кейинги йилларда БХСС хизматини, биринчи галда қишлоқ жойлардаги ички ишлар органлари бўлинмаларини мустаҳкамлаш бўйича конкрет амалий чоралар кўрди. Агросаноат комплекси соҳасига хизмат қилиш маълум даражада такомиллаштирилди. Хўжалик раҳбарлари, меҳнат коллективлари ва жамоатчилик билан алоқа кучаймоқда. Профилактика ишларини олиб бориш кенгаймоқда.

Бизда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона, Андижон областларида ва Қорақалпоғистон АССРда бу соҳада уя қуриб олган ниқобланган талон-торожчилар ва порахўрлар группасини зўр маҳорат билан фош этилганига кўпгина мисоллар бор.

Бироқ агросаноат комплекси соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишда профилактика ишларни тубдан яхшилашга партия биздан талаб қилган даражада эришганимизча йўқ. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида социалистик мулкни сақлашни таъминлаш соҳасидаги ишимиз аҳволини баҳолар эканмиз, шуни таъкидлаш керакки, фақат бу соҳада дастлабки қадамлар босилмоқда.

**МУХБИР: — БХСС аппарати фаолиятида социалистик қонунчиликнинг роли ҳақида гапириб берсангиз.**

**АГЕЕВ Анатолий Иванович: — республика Ички ишлар министрлиги БХСС бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция майори:**

Социалистик экономикани жиноий тажовузлардан сақлашни таъминлаш, меҳнатсиз даромадларга қарши курашни ташкил этиш, совет гражданларининг қонуний манфаатларини ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари БХСС хизмати фаолиятининг биринчи даражали иши бўлган ва шундай бўлиб қолади. Ички ишлар органлари, қидирув бўлинмалари прокуратура билан мустаҳкам ҳамкорликда кейинги йилларда талон-торожчилар, порахўрлар, саёҳатчи чайқовчилар, валютачилар ва меҳнатсиз даромадлар ҳисобига кун кўрувчи бошқа шахсларнинг жиноий группаларини очиш ва фош этиш иши маълум даражада активлашди. Агросаноат комплекси, савдо, аҳолига маиший хизмат, транспорт, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда қатор йиллардан буён яширин уя қуриб олган талон-торожчилар, порахўрлар группасини фош этиш соҳасидаги БХСС аппарати, қидирув, прокуратура органларининг иши матбуотда кенг ёритилди. Адолатни тиклаш, айбдорларни қонунда кўзда тутилган жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари озмунча куч сарфламадилар. Баъзан шундай ҳам бўлдики, милиция кийимида юрган айрим шахслар у ёки бу жиноий ишни қўзғатишдан бош тортдилар. Ўз хизмат бурчларини унутиб қўйдилар.

Бундай кўнгилсиз воқеалар ўз баҳосини олади. Социалистик қонунчиликка хилоф иш қилган шахслар қаттиқ жазоланадилар. Масалан, 1986 йилда шунга ўхшаш интизомсизликларга йўл қўйган 24 ходим ички ишлар органларидан бўшатилди. Ўтган йили бундай тартибсизликларга йўл қўйганлар бирмунча кам бўлди. Жумладан 13 киши ана шундай хатоларга йўл қўйганликлари учун ишдан бўшатилдилар. Бундай нопок шахсларни топишда кўпинча гражданлар ёрдам бердилар. Аризаларнинг бирини текшириш натижасида Самарқанд область Большевик район ички ишлар бўлимига қарашли БХСС бўлимининг оператив вакили Хўжаев ички ишлар органларида бир йил ишламасдан порахўрлик билан шуғулланганлиги аниқланди. У ички ишлар органларидан четлаштирилди ва қилмишига яраша жазоланди.

Марказда бўлганидек жойларда ҳам БХСС хизматини мустаҳкамлаш бўйича катта иш олиб борилмоқда. Республиканинг барча районларида раҳбар ходимларнинг катта қисми юқори малакали ходимлар билан алмаштирилди. Хизматнинг партия, комсомол ядроси сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Ана шундай ҳуқуқ-тартибот бузилишнинг олдини олиш ва тугатиш ишида КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми материаллари қўл келмоқда. Республика Ички ишлар министрлиги бўғинларида туб ўзгаришлар ясаш бўйича комплекс тадбирларни амалга оширмоқда. Барча ходимларнинг профессионал маҳоратини кўтаришга ўз хизмат бурчини бажаришда талабчанликни оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ана шу талабларни ҳисобга олиб шахсий состав аттестациядан ўтказилмоқда. Ишга кўтариш масалалари ҳозирги кунда сиёсий органлар, партия ва комсомол ташкилотлари фикрини ҳисобга олган ҳолда очиқчасига ҳал этилмоқда.

**МУХБИР: Қурилишларда халқ мулкининг талон-торож қилиниши ҳоллари кўплаб содир бўляпти. Бунга қарши БХСС хизмати ходимлари қандай чора-тадбирларни кўрмоқда?**

**СОКОЛОВ Владимир Анатольевич — республика Ички ишлар министрлиги БХСС бошқармаси катта оператив вакили, милиция майори:**

Республикамизда энг муҳим халқ хўжалиги соҳаларидан бири қурилишдир. Бу соҳага йўналтирилаётган капитал маблағларнинг кўпайиши қурилиш объектларида кўплаб товар-моддий бойликлар ва ишчи кучининг жамланишига олиб келмоқда.

Республика ички ишлар органларининг асосий вазифаларидан бири қурилиш хусусиятини ҳисобга олган ҳолда у ердаги шароитни мунтазам ўрганиб, таҳлил этиш давлат ва жамоат мулкини талон-торож қилишларни очиш ва унинг олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини амалга ошириш, бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини ошириб ёзишларга ва бошқа ҳуқуқ-тартибот бузилишларига қарши курашдан иборатдир.

Саноат ва граждан қурилишлари объектларига кўплаб моддий бойликлар келтирилаётганлиги, уларни сақлаш учун тегишли шароитнинг йўқлиги моддий бойликларнинг ўғирланишига сабаб бўлмоқда. Бу эса социалистик мулкни сақлашни таъминлашга, экономика соҳасидаги салбий ҳолатларга қарши кураш самарадорлигини оширишга салбий таъсир этади.

БХСС аппарати ва бошқа назорат органлари ишидаги асосий йўналишлардан бири мансаб ва хўжалик жиноятларининг олдини олиш, унинг келиб чиқишига сабаб бўладиган шароитларни тугатишдир. Ана шу мақсадда республика Ички ишлар министрлиги, Қурилиш министрлиги ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда қурилиш ташкилотларида социалистик мулкни сақлаш ҳолатини яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқди. Бунда план-молия интизомини мустаҳкамлашга, камомадларни камайтиришга, қурилиш материалларини бошқа мақсадларда ишлатиш ҳолларига барҳам беришга, пул маблағлари, қурилиш материаллари ҳаракати устидан ички идоравий назорат сифатини яхшилашга, бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини тўғри ҳисоблашни ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Партия ва совет органлари ёрдамида республика БХСС аппарати бошқармаси ходимлари, меҳнат коллективлари, трестлар, қурилишлар жамоат ташкилотларини моддий ва пул ресурслари сақланишини таъминлашга, хўжасизлик ва талон-торожларга, ўғриликларга ҳамда бошқа ҳуқуқ-тартибот бузилишининг олдини олишга жалб этмоқда.

Бу чора-тадбирлар қурилиш объектларидаги ишларимизни активлаштиришга ёрдам бермоқда.

**МУХБИР: Чайқовчилик энг хавфли ва кенг тарқалган жиноят турларидан бири. БХСС органлари жиноятнинг ана шу кўринишига қарши курашда қандай чора ва тадбирларни амалга оширмоқдалар?**

**ЧЕРЕПАХИН Николай Алексеевич — Республика Ички ишлар министрлиги БХСС бошқармасига қарашли бўлим бошлиғи, милиция подполковниги.**

Кейинги йилларда меҳнаткашларнинг харид қуввати тез ошиб бораётганлиги, уларнинг юқори сифатли товарларга талаби ошаётганлиги туфайли чайқовчилар камёб молларни сотиб олиб, мўмай пул орттириш мақсадида юқори нархда уларга пулламоқдалар. Лекин чайқовчиликнинг ижтимоий хавфлилиги фақат бундагина эмас. Жиноятчилар гражданларнинг беқарор қатламига ёмон таъсир кўрсатадилар. Уларга жамиятга қарши ҳатти-ҳаракатларни сингдирадилар.

БХСС йўли билан рўйхатга олинган жиноятлар структурасида бир неча йиллар мобайнида чайқовчилик билан шуғулланиш 15 процентга яқинни ташкил этаётир. Лекин аниқланган фактлар шуни кўрсатадики, олибсотарлик сон жиҳатдан кўпаймоқда.

Ичкиликбозликка қарши кураш авж олгандан буён спиртли ичимликлар билан чайқовчилик қилиш ҳам кўпаймоқда. Озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳўл мева, полиз экинлари, гуллар ҳам чайқовчилик предметлари ҳисобланади.

Чайқовчилик билан шуғилланадиган шахсларга қарши кураш муваффақияти кўп жиҳатдан кенг жамоатчиликнинг уларга нисбатан тоқат қилмаслик кайфиятини вужудга келтиришга боғлиқ.

Ҳуқуқ пропагандасини ташкил этиш ва олиб боришдаги камчиликлар ҳам социал-тарбиявий ишдаги нуқсонлардандир. Меҳнаткашларни ҳуқуқ билимлари руҳида тарбиялаш асосий вазифалардан биридир. Совет қонунчилигини пропаганда қилишни таъминлаш, фош этилган олибсотарлик ҳолларига ошкора равишда ҳуқуқий нуқтаи назардан баҳо беришни тажриба қилиб кўриш керак. Бунда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиш, шу жумладан меҳнат коллективларида профилактика-тушунтириш ишлари олиб бориш даркор.

Олибсотарликка қарши фақат ички ишлар органларигина эмас, савдо корхоналарининг раҳбарлари ҳам кураш олиб боришлари керак. Лекин айрим раҳбарлар ва мансабдор шахслар орасида бу ҳуқуқни сақлаш органларининг иши деган нотўғри тушунча бор. Бу мутлақо нотўғридир.

**МУХБИР: Қонунга хилоф валюта операцияларини фош этиш соҳасида БХСС бошқармаси ходимлари қандай роль ўйнамоқдалар?**

**ТОЛИПОВ Комил Юсупович: — Республика Ички ишлар министрлиги БХСС бошқармаси оператив вакили:**

Мамлакатимизда валюта билан муомала қилишнинг маълум қоидалари белгиланган. Шу қоидаларнинг бузилишига қарши самарали кураш олиб бориш муҳим давлат аҳамиятига эга вазифадир.

Чет эл валютасини қонунга хилоф равишда алмаштириш яширинча бозорда давлат томонидан белгиланган расмий курснинг маълум даражада қимматлашувига олиб келади. СССРга келаётган айрим чет эл гражданлари совет пулларини анча паст баҳода оладилар. Бундан давлат зарар кўради. Республика БХСС аппарати ана шу социал иқтисодий душманга қарши мунтазам кураш олиб бормоқда. 1987 йилда ва шу йилнинг биринчи кварталида 29 жиноят аниқланди ва 44 киши жиноий жавобгарликка тортилди.

Чунончи, ўтган йили март ойида Тошкент шаҳар ижрокоми ички ишлар бошқармасига қарашли БХСС бўлинмаси ходимлари бокулик граждан А. Байрамовни қўлга туширдилар. Илгари судланган А. Байрамовнинг қўлидан 50 минг итальян лири топилди. У ана шу пулни 5 минг сўмга сотиб мўмай пул орттириш ниятида «Ўзбекистон», «Тошкент», «Москва» меҳмонхоналари олдида чет эл гражданлари билан алоқа боғлаган. Милиция органлари томонидан унинг жиноий хатти-ҳаракати фош этилди ва у ҳозирги кунда қилмишига яраша жазоланди.

Ўзбекистоннинг чет мамлакатлар билан маданий ва иқтисодий алоқалари тобора кенгайётганлиги туфайли Тошкентда тез-тез халқаро анжуманлар бўлмоқда. Республикамизга кўплаб чет эл сайёҳлари келмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистондаги олий ўқув юртларида таълим олаётган 3 мингдан ортиқ чет эллик студентлар 53 та ётоқхонада яшамоқдалар. Айрим ҳолларда чет эл студентлари СССР гражданлари билан чет эл валютасига совет пулларини алмаштириш мақсадида алоқа боғламоқдалар.

Юқоридаги ҳолатларни фош этиш учун махсус график асосида шанба ва якшанба кунлари чет эл студентлари ўқийдиган олий ўқув юртлари ва техникумларнинг комсомол комитети секретарлари ҳамда ўқитувчиларидан иборат группа махсус рейдлар ўтказмоқда. Валюта муомаласи қоидалари бузилишига қарши курашни бундан буён ҳам кучайтираверамиз.

**МУХБИР: БХСС бошқармаси давлат ва жамоат мулкининг ўғирланиши ва талон-торож қилинишига қарши қандай профилактика чораларини кўрмоқда?**

**ПЕРОВСКИЙ Георгий Владимирович— Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги БХСС бошқармасининг катта оператив вакили:**

КПСС XXVII съезди материалларида ёнилғи-мойлаш материалларини иқтисод қилиш ва ундан унумли фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Партия ва ҳукуматимизнинг ана шу талабини амалга ошириш ёнилғи-мойлаш материалларини сақлашни таъминлаш учун республика ички ишлар органлари мунтазам кураш олиб бормоқдалар. Ёнилғи-мойлаш материаллари ўғирланишига сабаб бўладиган шароитларни тугатишга ҳаракат қилмоқдалар, автомобиль транспорти системасида ёнилғи-мойлаш материалларидан фойдаланишда рўй бераётган хўжасизлик ҳоллари фош этиляпти. Давлатга ўнлаб тонна ёнилғи-мойлаш материаллари қайтарилмоқда. Айбдор шахслар қонунга мувофиқ жазоланмоқдалар.

Шуниси қизиқки, ички ишлар органлари ана шундай суиистеъмолларга қарши курашни авж олдирганлари сари бундай фактлар тобора кўпроқ очилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг шу йил 2 апрелда мамлакатда жиноятларнинг ҳолати ва келгусида ҳуқуқ-тартибот бузилишининг олдини олиш чоралари тўғрисида қабул қилган қарорида ҳозирги қайта қуриш шароитида халқ хўжалиги тўла хўжалик ҳисобига, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини қоплашга ўтилаётган бир пайтда ҳуқуқ-тартибот органлари ишида жиноятларнинг олдини олиш учун профилактика ишлари муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ички ишлар органлари жиноятларга қарши курашдаги ўз асосий функцияларини бажаришдан ташқари меҳнат коллективларида турли хил талон-торожчилар, ташмачилар, порахўрларга нисбатан барчада тоқат қилмаслик кайфиятини яратишлари керак. Токи, ҳар бир ходим ҳозирги кунда «давлатники» ва «меники» тушунчалари бир-бирига айнан ўхшашлигини англаб етсин.

Ҳозирча зўр ўзгаришлар ҳақида гапириш қийин. Ўтган йили Тошкентдек катта шаҳарда ёнилғи-мойлаш материаллари ўғирланиши бўйича 10 та жиноий хатти-ҳаракатнинг олди олинди. Ички ишлар органлари шу вақт ичида ёнилғини ноқонуний берилганлиги тўғрисида 35 та жиноий иш қўзғатди ва 85 фактни аниқлади. Жиззах областида ички ишлар органлари кўрган чоралар натижасида давлат фойдасига 35 тоннадан ортиқ ёнилғи-мойлаш материаллари қайтарилди. Наманган областида эса 20 тоннадан ортиқ маҳсулот давлатга қайтариб берилди. Ўз-ўзидан шундай савол туғилади. Корхона, хўжалик, министрликлар ва идоралар раҳбарларининг масъулияти қани? Ахир улар ёнилғи-мойлаш материалларини сақлаш бўйича ишларни ташкил этишлари керак-ку. Улар ўз қўл остидаги ишчи ва хизматчиларни давлат мулкини кўз қорачиғидек сақлаш руҳида тарбиялашлари керак-ку. Ана шу масалалар фақат ички ишлар ходимларинигина эмас, балки ҳар бир совет кишисини, ҳар бир коллектив аъзосини ҳаяжонга солиши ва ўйлантириши керак.

*«Совет Ўзбекистони» давра суҳбати*

## ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

***Жиноятчиликка ва жамоат тартибини бузишга қарши курашда милициянинг масъулиятини қатъият билан ошириш... лозим.***

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ТЕЗИСЛАРИДАН)

**Партия давлат ва жамоат ҳаётининг ҳуқуқий негизларини мустаҳкамлашга, социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботга оғишмай амал қилинишига, ички ишлар органлари ишини яхшилаш ҳақида мунтазам ғамхўрлик қилмоқда. Бунга жавобан республика ички ишлар органлари, шу жумладан БХСС бошқармаси ва бўлинмалари ходимлари ўз ишларини қайта қуриш йўлидан бориб, давлат манфаатлари ва гражданлар ҳуқуқларини қўриқлашни таъминлаш учун зарур чора тадбирларни кўрадилар. Меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, барча меҳнаткашлар мададига таяниб, жиноятчиликка, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш самарадорлигини оширадилар. Ҳар қандай ҳуқуқ бузилишларнинг олдини олиш ва уларни юзага келтирадиган сабабларни бартараф этишга ўз ҳиссаларини қўшадилар.**

**М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА,**
**Т. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.**
**В. САФИУЛОВ,**
**Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги матбуот группаси ходими, милиция майори.**

